

РЎЙХАТГА ОЛИНГАН
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

2025 йил « 11 » март

Рўйхатга олиш рақами 81/2



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раисининг биринчи
ўринбосари

Н.Н. Сайдуллаев

«ОРИЕНТ ФИНАНС»
ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
УСТАВИГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Кузатув кенгашининг
2025 йил « 20 » Феврал даги
22 -сонли баённома-қарори

Кузатув кенгаши Раиси



Б.Б. Парпиев

ТАШКЕНТ-2025 йил

**Акциядорлар умумий йиғилишининг 2023 йил 12 июндаги 1/2023-сонли
баённома-қарори билан тасдиқланган ва Марказий банкда 2023 йил 14 июлда
81-сон билан рўйхатга олинган «Ориент Финанс» хусусий акциядорлик
тижорат банкнинг (янги таҳрирдаги) Уставига
ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. Банк Уставининг 5.2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5.2. Банкнинг Устав капитали миқдори (жойлаштирилган акциялар) 1 964 125 177 500 (бир триллион тўққиз юз олтмиш тўрт миллиард бир юз йигирма беш миллион бир юз етмиш етти минг беш юз) сўмни ташкил қилади ва қуйидаги жойлаштирилган акциялардан иборат:

- номинал қиймати 1 250 (бир минг икки юз эллик) сўм бўлган, умумий қиймати 1 963 625 177 500,00 (бир триллион тўққиз юз олтмиш уч миллиард олти юз йигирма беш миллион бир юз етмиш етти минг беш юз) сўмлик 1 570 900 142 (бир миллиард беш юз етмиш миллион тўққиз юз минг бир юз қирқ икки) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

- номинал қиймати 1 250 (бир минг икки юз эллик) сўм бўлган, умумий қиймати 500 000 000 (беш юз миллион) сўмлик 400 000 (тўрт юз минг дона) эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.”

2. Банк Уставининг 6.6 - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

6.6. Устав капиталини кўпайтириш мақсадида, Банк томонидан қўшимча жойлаштирилиши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар миқдори номинал қиймати 1 250 (бир минг икки юз эллик) сўм бўлган, умумий қиймати 641 682 611 250 (олти юз қирқ бир миллиард олти юз саксон икки миллион олти юз ўн бир минг икки юз эллик) сўмлик, умумий сони 513 346 089 (беш юз ўн уч миллион уч юз қирқ олти минг саксон тўққиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.”

Бошқарув Раиси



Т.Ф.Джунайдуллаев